

Газетамизнинг шу йилги 16-октябр сонида Ш.Субхоннинг «Китобхон олдидаги масъулият» сарлавхали маколasi эълон килинган эди. Унда «Жахон адабиёти» журналида эълон килинган (М.Аъзам таржимаси) турк адиби Ў.Памукнинг «Истанбул: хотиралар ва шаҳар» романи таржимаси хақида фикр юритилади. Куйида ана шу маколада билдирилган фикр-мулохазаларга таржимон М.Аъзамнинг жавобини ўқийсиз.

Мен севимли газетамизнинг ўтган сонида «Китобхон олдидаги масъулият» маколасини ўқиб, куйидагича хулосага келдим.

Журналхон Ўрхун Памукнинг «Истанбул: хотиралар ва шаҳар» асари таржимасидаги баъзи жумлалардан озорланади. Чунончи: «Истанбул кўчаларининг ичкарасидаги ерда, бизни кига ўхшаган бошка бир уйда кош-кўзидан тортиб огзи-бурнигача хамма аъзоси билан менинг ўхшашим, эгизим, хатто худди ўзимдай бир бошка Ўрхон яшашига болаликдан бошлаб узок йиллар аклимнинг бир чеккасида инониб юрдим. Бу фикр илк бора каердан кандай килиб менга келиб колганини эслаёлмайман».

Унинг фикрича, бу жумлани бундай деб тахрир килиш керак экан: «Истанбул кўчаларининг бирида бизни кига ўхшаш бошка бир уйда кошу кўзидан тортиб огзи-бурнигача хамма аъзоси мени кига менгзаган, эгизим, хатто худди ўзимдай бир бошка Ўрхон истикомат килишига узок йиллар инониб яшадим. Бу фикр хаёлимга илк бора каердан ва кандай келиб колганини эслаёлмайман».

Мен китобхонимга шуни билдиргим келадикки, бадий адабиёт, аввало, жумлаларининг силликлиги билан эмас, конкрет деталлари билан тирикдир. Юкоридаги жумлага келсак, муаллиф мавхум «Истанбул кўчаларининг бири»ни эмас, «Истанбул кўчаларининг ичкарасидаги ер»ни назарда тутган ва бу жумлада манзара бор. Нахотки «кўчаларнинг бири» «кўча ичкарасидаги ер»дан афзал бўлса?! «Болаликдан бошлаб узок йиллар аклимнинг бир чеккасида инониб юрдим» ўрнига «узок йиллар инониб яшадим»ни устун кўрувчи китобхон менга ажабтовур жўн кўринади. «Болалигим Истанбули» билан «Истанбулда кечган болалигим» ўртасида хам бадий жихатдан, хам маъно жихатдан каттагина фарк борлигини нахотки фахмлаш кийин бўлса?!

Менталитет масаласига келсак, бизга араб, форс одатларидан кириб келган «сизлаш» урфларини жуда бизники, деб айтолмайман: Ўзбекистоннинг бир талай шаҳар ва кишлокларида эр-хотин бир-бирларини сенлаб гапиришларини жуда кўп учратганман ва бу менга ширинрок, жонга якинрок кўринади. Шахсан ўзимнинг катта холаларим (онамнинг ва отамнинг холалари) эрлари билан сенлашиб гаплашишарди. Кулишиб, хазиллашиб, эркаланишиб... Хатто она-бола, ота-ўгиллар хам шундай гаплашардилар.

Кадимги Ўрхун-Энасой обидаларида хам шундай: кўпчиликка хам «Эй, турк будуни! Сен...», деб мурожаат килинади. 70-80 миллионли турк эр-хотинлари бир-бирлари билан сенлаб гаплашаркан, мен бунини ўзбекларнинг бир кисмидаги одатларга мослаб, уларни «сиз»лата ололмайман. Бу менинг таржимонлик тамойилларимдан биридир.

Сўзларни туркчадан ўзбекчага ўгиришда мен имкон кадар аслиятни саклашга интиламан. Туркчада кўп ишлатиладиган, аммо бизда ишлатиш сийраклашган сўзларни хам имкон кадар саклаб колишга интиламан. Китобхоним келтирган ва ўзбекчада маъноси бошка деб даъво килган фикрлари мутлако асоссиздир. «Марок» сўзи иккала тилда хам бир хил — кизикиш ва завк — маъносига эга, хозирги замон туркчасида «хавотир» деган маъноси камдан-кам холлардагина учрайди. «Ишик» деган сўз хақида бирда-яримда

Навоийни хам варақлаб турган китобхон айтиши мумкин: Навоий бобомиз камида беш юз марта ишлатганлар бу сўзни. Ишонмаганлар «Навоий асарларининг лугати»нинг 290-бетини очиб кўрсин. «Ўзбек тилининг изоҳли лугати», 258-бетни очиб кўрган одам, «ёнартог» билан «вулкон» битталигини кўради. Факат «вулкон» сўзи лотинча «вулкан»дан олинган. Ўзимизда «ёнартог» бўлатуриб, нега «вулкон»ни олишим керак? «Ойдин» сўзи «зиёли», «мунаввар» сўзларининг синоними. Жадидлар адабиётини у қадар ўқишга арзимайди, деб билганлар ё уларни хам тахрир қилиш керак, деб ўйлайдиганлар факат «зиёли»ни ишлатинг деб туриб олиши мумкин. «Кўй» сўзи «кишлоқ» маъносида кам ишлатиладиган бўлиб қолди, аммо бу тўғри эмас, «кўча-кўй» ибораси бор-ку тилимизда! «Хафиф» сўзи «майин»дан ташқари «енгил» маъносида хам келади: бунга ишонч ҳосил қилиш учун «Навоий асарларининг лугати» 652-бетига қаралса, қифоя. «Сиёх бейаз»ни «кора-ок» деб олинадими, «ок-кора» деб олинадими, фарқи йўқ, бу Алихўжа-Хўжаали деганидай гап. Менимча, «кора-ок» деб олинганда, мазмунга эътиборни кўпроқ тортади.

Мен ўзбекчадаги «гудок» сўзи ўрнига «дудук»ни олганман, чунки «дудук»нинг «ду-дут»лашдан олингани шундоққина кўриниб турибди. Бошқаларга хам «гудок» ўрнига «дудук» ишлатишларини маслаҳат бераман. Бизнинг асл туркий сўзларимизда айтилаётган сўзнинг маъноси гавдаланиб туради.

Масалан, мен деярли ўтган асрнинг 50-йилларидан бери «сирен» сўзи хақида ўйлардим. Чунки аксар шоирларимиз ўз шеърларида «сиренлар»ни кўп ишлатишарди. Бундан бир-икки йил бурун Туркистон томонларга борганимда сиренлар гуллаганиди. Мен бир отахондан: «Бу гулнинг оти нима?», деб сўрасам, «Шуниям билмайсанми, лайлок», деди. «Нега энди лайлок? Баъзилар уни «настарин» дейишади-ку?», десам «Ха, энди форсчаси «настарин», Биз Туркистонда уни «лайлок» деймиз. Гулларига қаранг: бир оёқда турган лайлакка ўхшамайдими?», деди отахон. Ха, чиндан хам бир оёқда турган лайлакка ўхшайди, дедим ичимда ва деярли эллик йилдан бери излаган сўзимни она тилимдан топганимга севиниб кетдим.

Исм ва жой номларини танлашда турк тили алифбосининг ўзига хос хусусиятларига асосландим. Масалан, турк алифбосида «нг» товуши «н» холида олинаверади.

Туркчадаги «а» товуши бизда гох «о» га, гох «а»га, «е» товуши гох «э»га, гох «а»га тўғри келади. Китобхонимиз ТАНПИНАРни ТАНПИНАР деб олиш тўғри деб ҳисоблайди, холбуки бу таҳаллусдаги сўз «тонг» ва «пинар» (яъни «булок») сўзлари кўшилишидан «Тонг булоқи» қилиб олинган, бу тонготардаги қуёш чиқиши манзарасини ифодалайди. Шундай гўзал бир таҳаллусни Танпинар холида олиш дидсизлик бўлар эди.

Китобхоним бир жумласида мени «олқишга умидвор» одам сифатига гапиради, мен ҳеч қачон олқиш учун таржима қилмайман, халқимизга холислик билан маърифат улашишни истаймаман, холос.

Мен ўз таржимамни зўр, дейиш фикридан йироқман, аммо у ҳақда олимлар, ёзувчилар мамнун бўлиб гапиришди. Мен ичимда китобхоним асарни тўла ўқиб чиқмаган, деган гумонга бордим. Чунки тўла ўқиб чиққанда, албатта, унинг маънолари, мазмунлари, микёслари, ўзбек адабиётига қўшадиган ҳиссалари хақида хам бир оғиз бўлса-да тўхталган бўларди.

Менинг бир устозим: сен танқидчининг тўғри фикрларини кўр, дерди. Адолат юзасидан айтишим керакки, «масо» сўзи чиндан хам юнонча «маса» сўзидан олинган экан, мен арабчадан олинган, деб ўйлабман. Яна таржима матнида «AYASOFYA» хам ўзбекчада икки хил берилибди.

Ушбу таржимани китоб килиб чикаришда буларни ва кейинчалик ўзимга маълум бўлган баъзи жузъий камчиликларни инобатга оламан.

Миразиз Аъзам

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2009 йил 44-сонидан олинди.